ЎзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир

ХАЛК СЎЗИ
خلق سوزی

ҲИЖРИЙ, ҚАМАРИЙ, 1413 ЙИЛ, САФАР, 18-КУН.
ШАМСИЙ, 1371 ЙИЛ, АСАД, 27-КУН.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1992 ЙИЛ 19 АВГУСТ, ЧОРШАНБА, 160-СОН • 411 • | НАРХИ: СОТУВДА 2 СУМ.

ШУ ОСМОН СЕНИКИ ВА ШУ ОЗОД ЮРТ, ШУ ТУПРОҚ СЕНИКИ, КЎЗЛАРИНГГА СУРТ!

МУСТАКИЛЛИК • ТИНЧЛИК • ХАМКОРЛИК
ЎЗБЕКИСТОН
1992-1 сентябрь

Бешариқ районидаги «Намуна» давлат хўжалигидаги «Қораянтоқ» бўлими деҳқонлари 1992 йилда 567 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан режадаги 27 центнер ўрнига 30 центнердан пахта олиш учун самарали меҳнат қилмоқдалар.

Пахта майдонлари бир гектардан то 5 гектаргача ижарачиларга бўлиб берилган. 14 та трактор унумли ишлатилмоқда. Шу кунгача икки комплекс ишлов тугатилиб ғўзаларга учинчи ишлов бериш бошланди. Ғўзалар дастлаб гуллаган майдонларда 3-4 тагача кусак санаш мумкин.

СУРАТЛАРДА: «Намуна» давлат хўжалиги «Қораянтоқ» бўлими бошқарувчиси «Қоражийда» қишлоқ совети депутати Абдумутал Кенжаев.

Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.

• Ҳокимлик ташвишлари

ЗАНЖИРНИНГ ҲАР ХАЛҚАСИ

ЎЗ ЎРНИДА БЎЛСА ТАРАҚҚИЁТ ШУБҲАСИЗ ОЛҒА БОСАДИ, — ДЕЙДИ МЕҲНАТОБОД ТУМАНИ ҲОКИМИ СИНДОР НОРЧАЕВ.

— Синдор ака, аввало, вилоятдаги энг кенжа туман ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

— Дастлаб, 1980 йилда ташкил этилганди. 1987 йили Сирдарё ва Жиззах вилоятлари бирлаштириб юборилгач, Меҳнатобод ҳам қўшни Комсомол районига қўшилиб кетди. 1990 йилга келиб қайта ташкил этилди. Умумий ер майдони 42 минг гектар. Шундан 29 минг гектарида деҳқончилик қилинади. 7 та давлат хўжалиги бўлиб, асосан пахтачиликка ихтисослашган. Умумий ҳосилдорлик ўртача 17 центнерданни ташкил этади. 18 миллат вакилларидан иборат 22 минг аҳоли истиқомат қилади. 10 та ўрта мактаб, 13 та болалар боғчаси бор.

— Бир пайтлар Меҳнатобод районни деҳқончиликка яроқсиз, уни тугатиш керак, деган фикрлар пайдо бўлганди.

— Ҳа, бу ҳақда кўп тортишувлар бўлгани рост. Эсимда, 1986 йил Тошкентда ЮНЕСКО ҳомийлигида халқаро тупроқшунослар анжумани бўлиб ўтганди. Ўшанда Меҳнатобод ерларини муфассал таҳлил этишиб, ҳақиқатан ҳам, шу ҳолатда деҳқончилик учун яроқсиз, деган хулосага келишганди.

Ўша пайтлари совхоз директори бўлиб ишлардим. Таниқли олим Ковданинг гаплари худди кечагидай ёдимда.

— Бу ерлар бир пайтлар денгиз ёки океаннинг туби бўлгани шубҳасиз. Асрлар ўтиши билан ҳам табиий ўзгариш нисбатан кам рўй берган. Ернинг тупроқ қатлами мутлоқ гипс ва шўрдан иборат. 20—30 йил мобайнида алоҳида ишлов берилсагина тупроқ маданийлашади. Қизиқ, бундай ҳолатни, ҳатто, Африкада ҳам кузатмагандим.

Симпозиумда Меҳнатобод ҳақида яна қандай фикрлар билдирилгани менга қоронғу. Лекин ҳурматли олим эндиликда яна бир таниф буюрганида фикри анча ўзгарган бўларди.

— Бу билан олим адашган эди, демоқчимисиз?

— Йўқ. У киши юз фоиз ҳақ бўлган. Ҳатто, бугунги кунда ҳам ҳар бир килограмм тупроқда 250—300 граммдан туз бор. Мен ана шундай шароитда ҳосил етиштираётган ўзбек пахтакорига астойдил тан берган бўларди, демоқчи эдим. Чунки фан тавсияларига кўра, ҳозир ҳам деҳқончилик қилиш мумкин эмас.

— Илм-фан тавсиялари қилинган меҳнатдан келадиган даромадларга қараб белгиланади. Агар у фойда келтирмас экан, демак, фақат зиёнга ишланаяптими?

— Бир пайтлар, яъни пахта яккаҳокимлиги даврида шундай эди. Фойда берадими, йўқми, пахта олинса бас. Мамлакатга пахта керак, деган шиор остида ишлайверардик. Масалан, илгариги нарх-наво бўйича 1 гектар ер эски зоналарда 2—2,5 минг сўм даромад келтирарди. Бизда эса бор йўғи 700—750 сўмни ташкил этарди. Бултур 1,5 минг сўмга чиқдик. Ялпи даромадимиз 70 миллион сўмни ташкил этди. Шундан 20 миллион сўми соф фойда.

Умуман, олганда, ўзбек диёрида ҳалол меҳнат қилган одам сира зарар кўрмайди. Ер шароити, ҳатто, Африкадагидан ёмон бўлса ҳам. Фақат деҳқон ерга эгалик қилса, ўзи етиштирган маҳсулотга ўзи соҳиб бўлсагина. Қаранг, оддий бир мисол. Юқорида ялпи даромадимиз 70 миллион сўмни ташкил этди, дедим. Президент фармонига кўра, режадаги ҳосилнинг 5 фоизи ва режадан ташқари, етиштирилган толани сотиб яна 70 миллион сўм даромад олдик.

— Бордию маҳсулотга тўлиқ эгалик қилганларингда...

— Деҳқоннинг туваги олтиндан бўлар эканда, демоқчисиз. Тўғри, вақти келиб шундай бўлади, ҳам. Баъзилар, билиб туриб нега пахтакорларга керакли имконият яратилмайди, дейишлари мумкин. Айтайлик, ҳукуматимиз келажакда ҳосилнинг тенг ярмини хўжаликлар ихтиёрига қолдириш ниятида эканлигини яширмаяпти. Унда нега яхши ниятни тезда амалга ошириш мумкин эмас, деган савол туғилиши мумкин. Масаланинг сиёсий томонини билмайману, аммо иқтисодий томондан бу мумкин эмас, иқтисодчи сифатида, район миқёсида икки йиллик раҳбарлик тажрибамга асосланиб айтаяпман бу гапларни. Ўтган йил тажрибаси ҳаммамизнинг кўзимизни очди. Беш фоиз, борингки, режадан ортиқчаси билан ўн фоиз толани сотиб олгунча она сутимиз оғзимиздан келди. Баъзи жойларда ҳали ҳануз сотолмаганлар ҳам бор. Сабаби: биз бунга ўрганмаганмиз. Ҳосилни йиғиштириб берардигу у ёғи билан ишимиз бўлмасди. Энди оз бўлса ҳам, тажрибага эгамиз. Агар бирваракайига ўтган йили шунча ҳосил ўзимизга қолганида эпломай қолишимиз аниқ эди.

Бир сўз билан айтганда, ишлаб чиқариш занжиримизда иқтисодий халқалар, айниқса, тижорат халқалари етишмасди. Баъзи ўртоқлар шов-шув кўтаришаётганидек, ўзбек деҳқони ҳамон эксплуатация қилинаяпти эмас, у янгича ишлашга, янгича яшашга мослашаяпти. Яна бир карра такрорлайман: ўзбек деҳқони ҳам ўз маҳсулотини ўзи сота олиш даражасига етгани йўқ. Ва, бу баъзилар ўйлашганидек, осон иш эмас. Худо хоҳласа уч-тўрт йилда жаҳон бозорига мустақил чиқа олишимизга ишонаман.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан жойларда тадбиркорлик, ишбилармонликка кенг йўл берилаяпти. Шу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталсангиз.

— Албатта, бизнинг том маънодаги аграр районимизда қатор-қатор қўшмаю кичик корхоналар ҳақида гапиришга ҳали эрта. Лекин имконият даражасида ҳаракат қиляпмиз. Масалан, «Янгиер» совхозида 200 минг шартли банка консерва ишлаб чиқарадиган линияни ишга туширдик, «Пахтакор» совхозида суткасига 150 — 200 килограмм колбаса ишлаб чиқарадиган цех ишлаяпти, «Меҳнатобод» хўжалигида тегирмон, тандир цехи, шоли оқлайдиган тегирмон бор. Ғанишер Юнусов номли давлат хўжалигида ҳам консерва линияси қураяпмиз. Хуллас, қўлдан келганича ҳаракат қиляпмиз.

Яқинда вилоятимиз раҳбарлари қардош Туркияга ташриф буюриб, бир неча қўшма корхоналар бунёд этишга келишиб қайтдилар. Жумладан, яқин келажакда барпо этилажак тўқимачилик фабрикаси учун бизнинг туманимизни танлашаяпти.

— Синдор Ҳолматович, яқинда вилоят миқёсидаги катта бир йиғинда Меҳнатобод райони чорвадорлари ҳақида ижобий фикрлар айтилди. Чорвачиликдек оғир соҳани яхши йўлга қўйишга қандай эришдинглар?

— Бу борада эришаётган ютуқларимизнинг бирон-бир алоҳида «сири» йўқ. Соҳага эътиборни кучайтирганмиз, холос. Аввало, чорвадорлар учун етарли шарт-шароит яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Одамларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳам ютуқларимизга омил бўлаяпти. Мавжуд 7 та фермамизда 4000 бош қорамол боқилаяпти. Шулардан 1300 таси соғин сигир. Ҳар ойда бир фермада «Чорвадор куни» ўтказишни йўлга қўйганмиз. Шу куни райондаги чорвага мутасадди бўлган барча ўртоқлар, қўшни хўжаликлардаги ҳамкасблар бир фермага йиғилиб, бу ердаги шароитни ўрганадилар, ютуқ ва камчиликларни таҳлил этадилар. Илғорларга тантанали равишда мукофотлар берилади. Ва, бу анъана йил бўйи давом этаверади. Ана шу тадбирнинг ўзиёқ барча кўрсаткичларимизнинг бултургидан юқори бўлишига олиб келди. Бу йилги мақсадимиз ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 3 минг килограммданга етказиш.

Аҳоли чорва моллари сонини оширишга ҳам яхши эътибор берилаяпти. Шу мақсадда фақат 1992 йилнинг ўзида одамларга 3 миллион сўм ссуда пули берилди. Ҳозирча, 4 минг оилада 7 минг қорамол бор.

— Оғир чўл шароитида яшаб, меҳнат қилишнинг ўзи бир қаҳрамонлик. Айтингчи, чўлқуварларга яратилган шароит қандай?

— Бошқа жойлардагига нисбатан олганда, мақтанмаймиз, албатта. Лекин йилдан-йилга шароит яхшиланиб бораяпти. Ҳар бир хўжалигимизда замонавий клуб, мактаб, болалар боғчалари бор. Уйлар юз фоиз газлаштирилган. Фақат ичимлик суви етишмаслигидан қийналётганимиз рост. Ўзимизнинг бозоримиз йўқ. Ҳозир ҳашар йўли билан бозор қуришга киришдик. Маданий-маиший соҳаларни иқтисодимизга яраша ривожлантириб бораяпмиз. «Меҳнатобод тароналари» ашула ва рақс ансамблимиз ҳамиша халқ хизматида. Яқинда бадиий жамоа раҳбари Абдураззоқ Усаров Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган республика танловида фахрли учинчи ўрин соҳиби бўлди.

Айтганча, ҳар бир хўжалигимизда футбол командаси бор. Шу йил район марказида 5 минг кишилик стадион қуриш ниятидамиз.

— Ўзингиз спортга қизиқасизми?

— Жуда. Айниқса, футболга. Район биринчилигининг ҳар бир ўйинини, албатта тамоша қиламан.

Суҳбатдош: **Т. АБДУРАҲМОНОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН Ватаним маним

«ХАЛҚ СЎЗИ» МУХБИРЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТИЛИГИ ХАБАРЛАРИДАН

МАШРАБ НОМИДАГИ БАНК

НАМАНГАН. Ишбилармонларга хизмат кўрсатадиган яна битта тижорат банки очилди.

Бир қанча йирик саноат корхоналари, жамоа хўжаликлари, хусусий сармоядорларни бирлаштирган «Наманган» акционерлик жамияти янги банкнинг муассисларидан бири бўлди. Банк яқинда 350 йиллиги нишонланган атоқли шоир Боборажим Машраб номи билан аталди. «Машраббанк» давлат банкининг бўлинмалари сингари барча турдаги операцияларни бажаради. Бундан ташқари банкда брокерлик идораларига, фирмаларига ва савдо уйларига малакали ёрдам кўрсатишга эътибор берилади. «Машраббанк» қарз бериш билан ҳам шуғулланиш ниятида.

КУТИЛМАГАН НАТИЖА

ХОРАЗМ. Дружба шаҳрида яшаш учун ордерлари бўлмаган ва шу жойнинг эгаси сифатида рўйхатдан ўтмаган одамлар истиқомат қилаётган 130 квартира аниқланди.

Текширувчиларнинг гапига қараганда уларни ҳар эҳтимолга қарши жойни эгаллаб турганлар деса ҳам бўлрмиш.

Шундаймикин?

«БАРС»НИНГ МУРУВВАТИ

ТОШКЕНТ. Балоғатга етмаганлар учун мўлжалланган қабул қилиш ва тақсимлаш уйининг тарбияланувчилари ҳар хил фасон ва рангдаги чиройли спорт кийимларини олишди.

Ўзбекистон акционерлик жамияти «Барс» савдо уйи ўз васийлигида бўлган болаларга ана шундай совға улашди. Бунинг учун чет элдан 15 минг сўмликдан кўпроқ болалар спорт кийимлари харид қилинган эди.

ЗАНГЛАШДАН САҚЛАЙДИ

ФАРҒОНА. Полимер материаллар илмий-тадқиқот институтида кимёвий машина-ускуналарини занглашдан муҳофаза қилиш учун самарали восита ишлаб чиқилди.

Фуран-эпоксид смола негизида олинган бу эмаль илгари қўлланиб келинган воситалардан механик пишиқлиги, чидамлилиги, иссиқда бардошлиги билан ажралиб туради. Фарғоналик кимёгарлар яратган эмаль кучли кислота ва ишқорли муҳитга ҳам чидамлидир. Бир неча 10 микрон келадиган юпқа полимер қатлами сиртни занг босишдан сақлайди, машина ускуналарини ишлаш муддатини узайтиради. Рязань «Химволокно» ишлаб чиқариш бирлашмаси янги маҳсулотнинг биринчи истеъмолчиси бўлди.

МЎЪЖИЗАЛАР МАЙДОНИ—МУБОРАКДА

МУБОРАК. Энди Останкино телекомпаниясининг «Мўъжизалар майдони» дастурида қатнашиш учун Москвага бориш шарт эмас.

Шаҳар маданият уйи ходимлари томонидан ташкил этилган томошаларда иштирок этсангиз, зеҳнингиз ва билимингизни намойиш этибгина қолмасдан, ноёб саноат моллари — телевизор, чангютгич, кир ювиш машиналари, чойнак-пиёлалар тўплами ва бошқа буюмларни ютиб олишингиз турган гап.

НИҲОЯТ ҚЎЛГА ТУШДИЛАР

ПОП. Райондаги Найман матлубот жамияти дўконларида аҳолига оилавий карточкалар бўйича унни тўла бермаслик одат тусига кириб қолган эди.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўлими тезкор гуруҳи шу масала билан қизиқиб қолди. Натижада жамиятнинг экспедитори бошчилигидаги унни талон-торож қилувчилар ва чайқовчилар аниқланди. Аҳолига сотиш учун мўлжалланган 15 тоннадан кўпроқ ун қўшни Задарё райони ҳудудида пуллангани очилди.

СОВУН ЎҒРИСИ УШЛАНДИ

ҚАТТАҚУРҒОН. Ёғ-мой комбинатининг тарозихонасида навоийлик «ишбилармон» экспедитор қўлга олинди.

У сохта ҳужжатлар билан корхонадан беш ярим тоннадан кўпроқ кир совунни олиб кетишга уринган эди. Ўғирланаётган мол 30 минг сўмлик экан.

• ОБУНА-93 •

Қадрли муштарийлар!

1993 йил учун газета ва журналларга обуна бошланди. «Халқ сўзи» газетаси учун ҳам обуна барча алоқа бўлимларида 1 августдан бошлаб қабул қилинмоқда.

Шу боис барча муштарийларга, ҳокимликлар, идора ва муассасалар, ташкилотлар раҳбарларига, клуб ва кутубхоналар мудирларига, Ўзбекистон халқ депутатлари ва барча тонфадаги депутатларга мурожаат қилиб, улардан ана шу муҳим сиёсий маъракада фаол қатнашишларини, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг ҳафтада беш марта нашр этиладиган газетаси — «Халқ сўзи»га обуна бўлишлари ҳамда обунани жойларда ташкил қилиш ва ўтказишга ёрдам беришларини сўраймиз.

«ХАЛҚ СЎЗИ» СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗДИР!

Сиз фақат «Халқ сўзи» газетаси орқали:

— Олий Кенгашнинг Қонун ва қарорлари;

— Ўзбекистон Президентининг фармонлари;

— Республика ҳукуматининг қарорларию режалари;

— иқтисодиёт янгиликларию, сиёсатда юз бераётган ўзгаришлар, миллий маданиятимиз бойликлари;

— халқаро ҳаётда содир бўлаётган қулоқ эшитмагану кўз кўрмаган воқеалар;

хуллас, барча соҳалардаги янги ва янги хабарлар билан мунтазам таниш-иб бориш имкониятига эга бўласиз!

«ХАЛҚ СЎЗИ» СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗДИР!

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Қадрдон газетангиз — «Халқ сўзи»га обуна бўлишга шошилинг! Фақат обуна орқали Сиз газетамизнинг ҳамма сонини олиб ўқишингиз мумкин!

Газета билан мунтазам таниш-иб боришда Сиз учун ягона ва қулай йўл — бу обунадир!

Газетамизнинг обуна баҳосини эслатамиз:

— бир йил учун — 390 сўм;
— ярим йил учун — 195 сўм;
— уч ой учун — 97 сўму 50 тийин;

Суйдинова опа пешонасидаги ажинларнинг ҳар тарами алоҳида бир тарих. Опахон Боғдод районидаги чорвачиликка ихтисослашган Ҳамзаобод давлат хўжалигининг илк ташкилотчиларидан бири. У кўп йиллар турмушнинг қатор жабҳаларида ҳалол меҳнат қилди. Меҳнатига муносиб эъзозланди ҳам. Аммо... Энг ташвишли кунлар московлик десантчиларнинг бемаврид ташрифидан бошланди. Шимолдан эсган бу совуқ «шамол» «Ҳамзаобод» давлат хўжалигига ҳам етиб келди. Суйдинова опа ноҳақ 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Шукрлар бўлсинким, жумҳуриятимизда ниёмон бут, одамгарчилиги ва инсонийлиги тўла кишилар кўп. Уларнинг борлиги ҳамда истиқлол шарофати билан адолат тантана қилди. Айбсиз бўлган С. Маматқулова бир йилу олти ой деганда тўла озодликка чиқди, яна ҳақ-ҳуқуқлари тикланди, ўз иш жойида фаолиятини давом эттирмоқда.

СУРАТДА: Суйдинова опа Маматқулова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

«АЙБ ҚОНУНДАМИ Ё ҚОНУНШУНОСДА?»

(1992 йил, 9 июнь)

Мақолада П. Раҳматуллаевнинг Тошкент шаҳридаги Навоий кўчаси, 3-уйда жойлашган 8-хонадан зўрлик билан кўчага қувиб чиқарилганлиги, пропискаси сиртдан бекор қилинганлиги баён этилган. Келтирилган бу маълумотлар Октябрь район уй-жойларни эксплуатация қилиш бошқармасининг П. Раҳматуллаевани низоли хонадан чиқариш ҳақидаги даъво аризаси бўйича кўрилган фуқаролик иши юзасидан тўпланган ҳужжатларга тўғри келмайди. Аниқланган ҳолатларга қараганда, низоли квартира 1940 йили даъвогарнинг отаси Н. Раҳматуллаевга давлат томонидан берилган, бу ерда у хотин ва фарзандлари билан истиқомат қилган. Шу жумладан, П. Раҳматуллаева ҳам 1951 йилгача шу ерда яшаган. Ўша йили турмушга чиқиб, Ленинград шаҳрига доимий яшаш учун кўчиб кетган ва шу ерда ишлаб, 1990 йилга қадар Варшава кўчасидаги 51-уйнинг 1-корпус, 483-хонасида яшаб келган. Тошкентдаги квартирада эса П. Раҳматуллаеванинг ўгай онаси М. Раҳматуллаева яшаган бўлиб, у 1990 йил 29 сентябрь куни вафот этган.

1990 йил октябрда гарчанд П. Раҳматуллаева Ленинград шаҳридаги квартирада пропискада бўлса-да, номаълум йўллар билан Тошкентдаги квартирадан пропискадан ўтган. Кейинчалик бу прописка ички ишлар органлари томонидан ноқонуний деб топилиб, бекор қилинган.

Уй-жойни эксплуатация қилиш бошқармаси амалдаги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда П. Раҳматуллаевани уйдан кўчириш ҳақида судга даъво-ариза билан мурожаат қилган. Суд мажлисида у онасининг вафотига қадар Ленинград шаҳрида яшаганини инкор этган эмас.

Халқ суди ишнинг бу ҳолатларини асосли равишда эътиборга олган ҳолда, П. Раҳматуллаевани низоли уйдан чиқариш ҳақидаги даъвони қаноатлантирган.

Фуқаролик иши бир неча марта Тошкент шаҳар суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди томонидан назорат тартибида ўрганиб чиқилиб, чиқарилган ҳал қилув қарорнинг тўғри эканлиги ҳақида жавоблар юборилган. Суднинг қонуний кучга кирган қарори мавжуд бўлган ҳолда, мақолада қайд қилинганидек, П. Раҳматуллаевани низоли квартирадан зўрлик билан кўчага қувиб чиқарилди деб, фикр юритишга асос йўқдир.

Мақолада, П. Раҳматуллаеванинг набираси З. Абдуллаеванинг тақдири гарчанд у низоли квартирада қонуний яшаган бўлса-да ҳеч кимни қизиқтирмагани, у бувисининг меросхўри ҳисобланиб, уйга қонуний эгалик ҳуқуқи борлиги, бу ҳолат ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раисининг биринчи ўринбосари А. Полвонзода имзоси билан берилган жавобда ҳам бир оғиз гап йўқлиги қайд қилинган. Аввало З. Абдуллаева Ўзбекистон Республикаси Олий Судига ариза билан мурожаат этган эмас, шунинг учун ҳам бу тўғрисида фикр юритиш нотабиийдир. П. Раҳматуллаеванинг шикоят аризаси бўйича аниқланган ҳолатларга кўра эса унинг қизи З. Абдуллаева Тошкентда олий ўқув юртида ўқиган вақтида яшаб, 1990 йил сентябрь ойига қадарли пропискада бўлган. Бундан ташқари амалдаги фуқаролик қонуни бўйича давлатнинг уйига мерос очилмайди. Шу нуқтаи назардан ҳам давлатнинг мулки бўлган низоли квартира мерос мулки сифатида, мақолада ёзилганидек, З. Абдуллаеванинг эгалигига ўтиши мумкин эмас.

Б. ЭШОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари.

• Элчиларимиз

ОСОЙИШТАЛИКНИ ЁҚЛАШАЯПТИ

Юсуф АБДУЛЛАЕВ: 1947 йилда туғилган. Ўзбек. Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини битказган. Тарих фанлари номзоди.

1973—76 йилларда Ўзбекистон ЛКЁ Марказий Комитетининг фан сектори мудири, маориф гуруҳига раҳбар, тарғибот ва ташвиқот бўлимининг мудири лавозимларида ишлади. 1985 йилдан КПСС Марказий Комитетининг тарғибот бўлимида инструктор, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий комитетида тарғибот ва ташвиқот бўлимининг сектор мудири, мафкура бўлими мудирининг биринчи ўринбосари, 1988 йил Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари вазифаларига тайин этилди. 1992 йил, июндан Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясида фавқулодда ва мухтор элчиси. Рус, инглиз ва форс тилларини билади. Оилали, бир ўғил уч қизи бор.

Ўзбекистон Республикаси яқинда Россия Федерациясида биринчи дипломатия ваколатхонасини очди. Юсуф Абдуллаев унинг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.

Мухбиримиз телефон орқали Юсуф Абдуллаев билан суҳбатлашди.

— Сизни Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги биринчи элчиси этиб тайинланганингиз билан табриклайман. Бу ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди.

— Раҳмат. Лекин элчилик кўплар ўйлаганчалик кайфу сафо қилиб юриш дегани эмас. Ўзбекистон мустақилликка энди эришди: олдимизда ҳали қанчаданқанча вазифалар турибди. Уни бажариш жуда катта куч ва сабот талаб қилади.

— Ҳозир кўпроқ ташкилий ишлар билан банд бўлсангиз керак-а?

— Ҳа, шундай деса ҳам бўлади. Агар Россия ахборот воситаларини кузатган бўлсангиз, бу ерга келиб иш бошлаган биринчи куним қоидага биноан Россия Федерацияси вице-президенти Руцкойга ишонч ёрлиқларини топширдим. Руцкой билан ярим соатдан кўпроқ суҳбатлашдик. У республикамиздаги осойишталикни ёқлади: «Бу жуда зарур, — деди. — Мен Чирчиқда хизмат қилганман. Халқингизни биламан: ўзбеклар меҳнатсевар».

Қоида бўйича Россия Федерациясида жойлашган 144 элчихона ва 7 халқаро ташкилотнинг вакилларига шахсий нотамни топширдим. Эртаси куни ҳар ёқдан табрикномалар кела бошлади. Кўп ўтмай чет эл мухбирлари иштирокида биринчи марта матбуот конференцияси ўтказдим. Уни ўзбек тилида очдим. Кейин инглизча гапирдим. Баъзан рус ва форс тилларида ҳам гапиришга тўғри келди.

— Ўзбекистоннинг Россия Федерациясидаги элчиси бўлиш, бошқа давлатларнинг элчиси бўлишдан осонроқ, дейишса, қўшилган бўлармидингиз?

— Асло. Чунки Россия назардан четда қолган мамлакат эмас-да. Беруний XI асрда Россиянинг қуроли энг яхши қурол, деб ёзган. Иван III 1462 йил биринчи элчисини Самарқандга, темурийлардан бўлган Абу Саидга жўнатган.

Москва узоқ вақт собиқ СССРнинг пойтахти эди. Шунинг учун ҳам СССРга тегишли барча халқаро ташкилот ва дипломатик ваколатхоналар Россия Федерациясиники бўлиб қолди. Бу Ўзбекистон учун ҳам жуда катта имконият: улар орқали вақтинчалик бўлсада жаҳоннинг исталган мамлакатига чиқиш мумкин. Қолаверса, Россия билан Ўзбекистоннинг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган бой тарихий анъаналари бор. Энди уни узилган жойидан тиклаш керак.

— Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг асосий вазифалари нималардан иборат, деб ўйлайсиз?

— Маълумки, шу йилнинг 30 майида Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида кўп соҳалар бўйича шартнома имзоланган эди. Уни амалда жорий этиш юки кўпроқ бизнинг елкамизга тушади. Иккинчи асосий вазифамиз эса Ўзбекистон ҳақидаги ҳақиқатни қандай бўлса, шундайлигича дунёга етказишдир. Яна жуда кўп вазифаларимиз борки, уларни бирма-бир санашга ҳозир ҳожат бўлмаса керак.

— Агар сир бўлмаса, дипломатик ваколатхона жойлашган манзилгоҳни айтсангиз?

— Бажонидил. Унинг ҳеч бир сирли жойи йўқ. Москва шаҳри, Замоскворечье, Погорельский кўчаси, 12-уй.

— Бизда ҳозир қоронғу тушди. Москвада ҳам иш куни тугай деб қолди. Бугунги иш кунингиздан кўнглингиз тўлдими?

— Келганимдан бери қўлим қўлимга тегмаяпти. Иш кўп. Лекин ҳали чарчашни бўйнимга олганим йўқ. Бугун одатдагидан кўпроқ ишлашга тўғри келди. Қароргоҳимизга Швейцариядаги энг йирик доридармон ишлаб чиқарадиган компания Президенти, Австрия, Кипр давлатларининг элчилари ҳамда Финляндия элчисининг муовини ташриф буюришди. Улар кўпроқ Ўзбекистондаги сиёсий ҳамда иқтисодий вазият билан қизиқмоқдалар. «Осойишталик сизларни катта ютуқларинг», дейишмоқда.

— Сизнингча, ҳақиқий дипломат қандай бўлиши керак?

— Саволингизга Юсуф хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» китобидан иқтибос келтириш билан жавоб қайтармоқчиман: «Элчи ақлли, билимдон, тилларни биладиган, истараси иссиқ, вафодор, хушмуомалали ҳамда шатранж, човгон ва зиҳини билиши керак». Саволингизга бундан ошириб жавоб қайтаролмасам керак.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Исмат ХУДОЕР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФАН ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ, ХАСТАЛИКЧИ?

ЕКИ КЎЗ ДУХТИРИ ЭТНИК-ЖУҒРОФИЙ ОМИЛЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШИ КЕРАКМИ?

ЕРУҒ дунёни кўришдан маҳрум бўлиб қолганлар кўзига йиғирма йилдан бери қайта нур ато этаётган тармоқлараро «Кўз микрохирургияси» илмий-техник мажмуи эндиликда бутун дунёга танилган. У кейинги ўн йилликда, айниқса шуҳрат топди. Бу даврга келиб ўзининг завод ва лабораториялари, МДҲнинг қатор мамлакатларидаги филиаллари билан улкан ташкилотга айланди. Мана шу улкан мажмуа ягона технология асосида ягона механизм сифатида фаолият кўрсатмоқда. Врач ва тиббиёт ходимларининг юмушлари тўла компьютерлаштирилган, диагностика бўлими ва жарроҳлик блоки автоматлаштирилган.

Шу билан бирга, илмий кашфиётлари билан машҳур бўлган бу мажмуа ўз фаолиятининг янги қирраси — ўхшаши йўқ иқтисодий ўзгаришлари билан эътиборни жалб этмоқда. Бу ўзгаришлар моддий рағбатлантиришнинг илғор усуллари ёрдамида ҳар бир ходимнинг иш унумдорлигини ошириш имконини бермоқда. Собиқ Иттифоқ тугаб, марказлаштирилган бюджет тизими парчаланиб, бозор муносабатларига ўтилаётгани муносабати билан бу мажмуага бўлган қизиқиш кескин ошди. Очиғини айтиш керакки, ҳозир ҳамма ҳам бу машҳур институтда даволаниш имконига эга эмас. Лекин, бемор МДҲнинг қайси мамлакати фуқароси бўлишидан қатъий назар институт эшиклари аввалгидек ҳамма учун бирдек очиқ. Фақат турли давлатларнинг нафақахўрлари ва ногиронлари учун даволаш ҳақи ва имтиёзлари ҳар хил. Бироқ «Кўз микрохирургияси» мажмуи филиаллари ишлаб турган жойларнинг ҳаммасида беморларга хизмат кўрсатиш тизими барча учун баравар. Шунинг учун ҳам ҳозир Ҳамдўстликдаги давлатларнинг ҳар бирида, жумладан Ўзбекистонда ҳам ягона мажмуанинг шуъба филиалларини очиш масаласи ўткир бўлиб турибди.

Ўзининг номдор кўз дўхтирлари билан машҳур бўлган бизнинг жумҳуриятимизда бундай филиални очиш нима учун зарур бўлиб қолди! Биз машҳур мажмуада ишлаётган ҳамюртимиз Н. Ҳўжаевдан шу саволга жавоб беришни илтимос қилдик.

Бироқ, аввалига бир қатор машҳур ихтиролар ва нашрлар муаллифи бўлган Нарзулла Саъдуллаевични муштарийларга таништирмоқчимиз. У кўз ичида қон қуюлишининг ҳозир амалий кўз касалликлари фанида кенг қўлланилаётган ва мутахассислар томонидан юксак баҳоланган мутлақо янги таснифи (классификацияси)ни яратди. Олтита кенгаш ва конференцияда, тўртта халқаро илмий анжуманда маърузачи бўлиб сўзга чиқди.

— Нарзулла Саъдуллаевич, ҳозир иқтисодиёт оғир аҳволда. Бизга маълум бўлишича, Фёдоровнинг мажмуи ҳам оғир кунларни бошдан кечирмоқда.

— Шундай. Бугун ҳаммага оғир. Бироқ мажмуани ташкил этиш тизими шу қадар мослашувчанки, иқтисодиёт бўҳронидаги ўзгаришларни дарҳол сезади, бугина эмас, уни олдиндан билади ва бартараф этишнинг мукаммал тадбирларини тайёрлаб қўяди.

— Шундай фикр юритишдики, гўё мажмуанинг бутун кучи хорижий жиҳоз ва асбобларда эмиш.

— Табиийки, мажмуа олимлари тиббий техника соҳасидаги ҳамма янгиликларни манфаатдорлик билан кузатиб борадилар. Агар керак бўлса, улар ҳар қандай янги техникани сотиб олиш имкониятига эгалар. Бироқ институтнинг иқтисодий мустақиллигининг моҳияти шундаки, унинг фаолияти-фаолияти замирида хориждан нарса олиш эмас, аксинча, — кўз касалликларини даволаш технологияси ва мажмуа ишлаб чиқариш қувватлари тайёрлаётган диагностика, жарроҳлик ва даволаш аппаратлари, асбоблар, турли-туман жарроҳлик қуроллари, кўз ички линзаларининг ҳар хил тусдагилари, энг янги дори-дармонлар каби юқори навли пировард маҳсулотларни хорижга чиқариш мақсади ётади. Модомики, Америка, Ғарбий Оврупо, Яқин Шарқ мамлакатида тинимсиз изланишлар олиб боришаяпти. Чунончи, ёқут кристаллари ёруғлик линзаси яратилдики, у олиб ташланган хира кўз қорачиғи ўрнига қўйилади. Бу кристалл биологик жиҳатдан ҳаракатсиз ва безарар бўлиб, ўзининг физик-оптик хусусиятлари жиҳатидан табиий кўз қорачиғига жуда яқиндир.

— Мен суҳбатимизни бошқа масаладан бошлашни таклиф этардим, — деди Н. Ҳўжаев. — Фёдоров институти номи билан жаҳонга машҳур бўлган мажмуанинг дунёда тан олингани боиси нимада? Шунинг учунки, олимлар, врачлар, техниклар, ҳамма мутахассислардан иборат катта жамоанинг беқиёс ишлари ягона пировард мақсад — ҳар бир беморни алоҳида энг юқори технологик даражада даволашнинг юксак самарасини таъминлашга қаратилган. Кўз микрохирургияси институтини ташкил этиш арафасида ўзининг шогирд-маслакдошларидан иборат кичик гуруҳга бош бўлган С. Фёдоровнинг бундан йигирма йил муқаддам ҳеч кимга маълум бўлмаган ғоясининг мазмун-моҳияти шу эди. Эндиликда академик, йирик илмий мактаб асосчиси, жаҳонда номдор олим бошқараётган улкан мажмуадаги ҳамма янги илмий ва иқтисодий ўзгаришлар ана шу ғояга хизмат қилмоқда.

— Нарзулла Саъдуллаевич, ҳозир иқтисодиёт оғир аҳволда. Бизга маълум бўлишича, Фёдоровнинг мажмуи ҳам оғир кунларни бошдан кечирмоқда.

— Шундай. Бугун ҳаммага оғир. Бироқ мажмуани ташкил этиш тизими шу қадар мослашувчанки, иқтисодиёт бўҳронидаги ўзгаришларни дарҳол сезади, бугина эмас, уни олдиндан билади ва бартараф этишнинг мукаммал тадбирларини тайёрлаб қўяди.

— Шундай фикр юритишдики, гўё мажмуанинг бутун кучи хорижий жиҳоз ва асбобларда эмиш.

— Табиийки, мажмуа олимлари тиббий техника соҳасидаги ҳамма янгиликларни манфаатдорлик билан кузатиб борадилар. Агар керак бўлса, улар ҳар қандай янги техникани сотиб олиш имкониятига эгалар. Бироқ институтнинг иқтисодий мустақиллигининг моҳияти шундаки, унинг фаолияти-фаолияти замирида хориждан нарса олиш эмас, аксинча, — кўз касалликларини даволаш технологияси ва мажмуа ишлаб чиқариш қувватлари тайёрлаётган диагностика, жарроҳлик ва даволаш аппаратлари, асбоблар, турли-туман жарроҳлик қуроллари, кўз ички линзаларининг ҳар хил тусдагилари, энг янги дори-дармонлар каби юқори навли пировард маҳсулотларни хорижга чиқариш мақсади ётади. Модомики, Америка, Ғарбий Оврупо, Яқин Шарқ мамлакатида тинимсиз изланишлар олиб боришаяпти. Чунончи, ёқут кристаллари ёруғлик линзаси яратилдики, у олиб ташланган хира кўз қорачиғи ўрнига қўйилади. Бу кристалл биологик жиҳатдан ҳаракатсиз ва безарар бўлиб, ўзининг физик-оптик хусусиятлари жиҳатидан табиий кўз қорачиғига жуда яқиндир.

— Мен бунга шахсан ишонч ҳосил қилдим. Шундай бўлдики, иккала кўзим бирдан хиралашиб қолди. Ва танишларимни ажрата оламан, на китоб ўқиёламан. Бу — журналист учун фожеа. Энди эса кўзойнаксиз энг майда ҳарфли ёзуваларни ҳам ўқийвераман, олисдаги кичик нарсаларни ҳам бемалол кўравераман. Гўё ёшлигим қайтиб келгандек. Шу боис Фёдоров институтига, унинг ходимларига бўлган миннатдорчилигим чексиз. Дунёдаги кўпгина мамлакатлардаги миллионлаб кишилар ҳам ҳозир худди шундай ҳиссиётдалар.

— Шундайкуя, аммо бу институт ҳал этаётган анъанавий муаммоларнинг биттаси, холос. Кўксув (глаукома), аксинг чаплашиб кўринишн, узоқни ва аксинча яқинни яхши кўрмаслик, ойнасимон қобиқнинг касалланиши каби хасталиклар ҳам эндиликда худди катаракта сингари муваффақиятли даволанмоқда. Буларнинг ҳаммаси ультратовуш, полимер ашёлар лазери ва толали оптика соҳаларидаги янги-янги кашфиётлар шарофатидир. Чунончи, жарроҳ узоқни яхши кўрмайдиган беморни операция қилар экан, шундай монокристал тиғларни ишлатадики, унинг дами кесилаётган тери молекуласи ҳажмида юпқадир. Бу архитектониканинг сақланиб қолиши, демакки, тиғ теккан жойнинг тез битишига ёрдам беради.

Эксимер лазерини қўлланиш рефракцион патологияни молекуляр эмас, эндиликда атом даражасида даволаш имконини бераётир. Бу жарроҳнинг нозик қўл ҳаракатлари ниҳоятда аниқ бўлишини таъминлайди.

— Бу мавзуларда суҳбатлашиш ҳақиқатан ҳам мароқли. Аммо, Назрулла Саъдуллаевич, биринчи саволга қайтсак, Ўзбекистонда институт филиалини очиш зарурати ҳақидаги фикрингизни давом эттирсангиз.

— Шундай филиал очиш зарурлигини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Масала бундай имкониятнинг бор-йўқлигида. Ҳар қанча қийин бўлмасин, исталса имконият топилади. Кўпчилик шундай фикрда деб ўйлайман. Ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этаяпти. «Кўз микрохирургияси» тармоқлараро илмий-техник мажмуанинг фаолият қамрови алоҳида геополитик минтақа доирасидан аллақачон чиқиб, транснационал миқёсга кўтарилганлиги бежиз эмас-да, ахир. Мажмуанинг ўз ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга ошираётган юксак самарали ва кўпқирроли концепцияси бутун дунёга ёйилган. Саксондан зиёд мамлакатдан кўплаб беморлар институтга ёрдам сўраб мурожаат қилишаяпти. Шу туфайли ажнабийларни, шунингдек МДҲ турли минтақаларидан келган беморларни даволашнинг катта клиник тажрибасига эга бўлинди. Академик С. Фёдоровнинг фикрича, шу муносабат билан айрим бўғинларни, айтиш мумкинки, турли гуруҳ беморларни умумклиника омилларини ҳисобга олган ҳолда даволаш ғоясини янгича талқин этиш зарурати туғилди. Бошқача қилиб айтганда, амалда кўз касалликлари фанида янги илмий йўналиш пайдо бўлмоқда.

— Бу борада бирор амалий иш қилиняяптими!

— Ҳозирча дастлабки қадамлар қўйилди, холос. С. Фёдоров бу истиқболли муаммо билан шуғулланиш ва олинган маълумотлар асосида докторлик диссертациясини ҳимоя қилишни таклиф этиб, менга илтифот кўрсатди. Мен бу ишга иштиёқ билан киришдим. Чунки, бу муаммонинг ечими ер шарининг турли минтақалари, шу жумладан Ўрта Осиёда истиқомат қилувчи беморларни табақалаб даволашнинг сифат жиҳатидан янги поғоналарга кўтарилишини таъминлайди.

— Нима учун С. Фёдоров айнан Сизни танлади!

— Бу унинг ўзига аён. Мен фақат тақдирга шукроналар айтишим мумкинки, у мени академик С. Фёдоров билан учраштирди. Бундан ўн йил олдин Тошкент тиббиёт институтини тамомлаб, шу йилиёқ Гельмгольц номидаги Москва кўз касалликлари илмий-тадқиқот институтининг клиник ординатурасига кирдим. Долзарб муаммо—кўз ичига қон қуйилишини аниқлаш ва даволаш мавзусида номзодлик диссертациямни ҳимоя қилдим. Кўз касалликларини микрохирургик даволашнинг ҳамма усулларини эгаллаб олганимдан сўнг менга докторантурани таклиф қилишди. Аммо Гельмгольц номидаги илмий-тадқиқот институтида докторантура йўқлиги боисидан академик С. Фёдоров мени ўз мажмуаси докторантурасига таклиф этди ва бу билан ҳам қаноатланмай, менинг илмий ишимга ўзи раҳбарлик қилди.

— Суҳбатимиз аввалида қўйилган масалани ойдинлаштирдик десак бўлар. Модомики, этник ва жуғрофий омиллар кўриш аъзоларидаги патологик ўзгаришларга турлича таъсир этар экан, тармоқлараро илмий-техник мажмуа филиалларининг ҳар бир минтақада очилиши Худонинг иродасидир. Демак, бизнинг жумҳуриятимизда ҳам шундай филиал очиш зарурати бор, албатта.

— Ишонаманки, худди шундай бўлади.

Суҳбатдош: Ю. РЯЖЕНЦЕВ.

Она САЙЁРАМИЗ омон бўлса бас

(АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ВА МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ)

ҚОНЛИ АВГУСТ ХОТИРИ

● ГКЧП устидан қозонилган ғалаба муносабати билан 20 август куни Москвадаги «Оқ уй» ёнида митинг уюштирилади.

Митингни ўтган йили Б. Ельцинни қўллаб-қувватлаган сиёсий партия ва ҳаракатлар ўтказишади. Август воқеаларининг «қаҳрамонларини» тақдирлаш учун 2 миллион дона медаль тайёрланди. 20 августдан 21 га ўтар кечаси август воқеаларида ҳалок бўлган Комарь, Усов, Кричевскийларни хотирлаш маросими бўлиб ўтади.

ОРОЛ ҚАЙТАРИБ ОЛИНАДИ

● Аргентина президенти Карлос Менем парламент аъзолари ҳузурида маъруза қилди.

У Аргентина Фолкленд (Мальвин) ороллари қайтариб олиш ниятида эканлигини билдирди. «Ороллар-нинг қайтарилиши Аргентина сиёсатининг энг асосий йўналиши бўлиши билан бирга, шон-шараф масаласи ҳамдир», — деди Президент.

АЛВИДО ҚУРОЛ

● АҚШ соғлиқни сақлаш статистика миллий марказининг маълумотларига қараганда, Колумбия округида ўқ отар қуроли кўп ишлатилмоқда.

Қурол туфайли ҳалок бўлган америкаликлар сони бошқа 80 йирик шаҳардагидан икки ҳисса кўп экан. Қиёслаш учун шуни айтиш мумкинки, Вашингтонда ҳар 100 минг марҳумнинг 227 таси ўқ еб ҳалок бўлади. Хеменгуэйнинг орзуси қачон амалга ошади, яъни америкаликлар қурол билан қачон видолашаркинлар?

ГОЛЛАНДИЯЛИК ОЛИМ ОРЗУСИ

● «Уолл Стрит Жорнэл» журналининг хабар беришича, таниқли голландиялик олим А. Хейнекен бўлажак Бирлашган Европа теграсида аҳолиси 10 миллион кишидан ошмайдиган 75 штатдан иборат Федерация тузишни таклиф этди.

Бу янги давлат тузилмалари тарихий ва миллий яқинлик тамойилларига асосланган бўлиши мумкин экан. «Менимча 350 миллион кишилик қитъани бошқаришнинг ўзи бўлмайди», — деб таъкидлади А. Хейнекен.

УРУШ, НОМИНГ ҮЧСИН ОЛАМДА...

● Халқаро Қизил хоч ташкилоти вакилининг таъкидлашича, қурғоқчилик ва фуқаролар уруши Сомалида 30 минг кишининг ёстиғини қуритди.

Агар бу Африка мамлакатига кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами икки маротаба оширилса ҳам, минглаб янги қурбонлар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Айни пайтда Сомали бошқа дунёдан узилиб қолган. Мамлакат пойтахти Могадишо билан телефон алоқаси ишламаяпти. Кўпгина элчихоналар фаолияти тўхтаган. Шаҳарни зулмат қоплаган, сув танқислиги сезилмоқда.

УҚУВЧИЛАРНИ БИТ БОСДИ

● Карелия пойтахти — Петрозаводск ҳаммомларидаги нарх-наво осмонга сапчиб кетди. Шундай тезлик билан сапчий бошладики, шўрлик аҳоли уни кетидан қувиб етолмай қолди.

Агар икки ҳафта бурун ҳаммомда уч сўм 20 тийинга чўмилиш мумкин бўлган бўлса, бир ҳафтадан кейин беш сўмга чиқди, бугун эса умумий бўлимда чўмилиш фуқароларга 10 сўмга, душ 14 сўмга тушмоқда. Шарт-шароитсиз уйларда яшовчи кўп болали оилалар нима қилишаётгани — худога аён, холос. Шаҳар санитария-эпидемиология саройининг маълумотларига ишонсангиз — петрозаводсклик ҳар беш ўқувчидан бирини бит босган.

ОМОНАТ ҚУРСИ

● Литва Бош вазири Гедиминас Вагнорис тагидаги ер қалқиб бошлади.

Маълум бўлишича, Вагнорис хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, давлат маблағларини «Геопакт» Литва-Буюк Британия қўшма фирмасига сарфлаган экан. Бу маълумотни бир пайтлар Вагнорис билан уришиб қолган Хавфсизлик бошқармасининг собиқ бошлиғи З. Вайшвили сув бетига чиқарган.

ДЕПУТАТ УЛЬТИМАТУМ ҚУЙДИ

● Озарбайжоннинг собиқ Президенти Аёз Муталибовнинг тарафдори, халқ депутати Ҳожи Абдул Миллий мажлиснинг навбатдаги йиғилишида мамлакат парламенти олдига ультиматум қўйди.

Ҳожи Абдул бир ярим минг озарбайжонликнинг жонини олган Хўжаали фожеасининг ҳақиқий айбдорлари номи айтилмаса, ҳокимиятга қарши давлат тўнтаришини шахсан ўзи бошқаришини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, дея хабар беради РИА агентлиги, Президент Абулфайз Элчибой Аёз Муталибовнинг бу фожеада айби йўқлигини тан олган. Ҳожи Муталибовнинг ҳокимиятга қайтиши учун куч-ғайратни аямаслигини таъкидлади.

ЭРКАКЛАР СОТИЛМОҚДА

● Аҳмоқчиликнинг чегараси йўқ дейишади қўлга илинган нарсани ким ошди савдосига қўйган москваликлар. Негаки, аукционда... эркакларни сотиш бошланди.

«М-С» газетасининг хабар беришича, Москвадаги ким ошди савдосига 22 ёшдан 42 ёшгача бўлган 9 эркак қўйилган. Залга йиғилган бойвуччча хонимлар кўнгилларига ўтирган эркакни тўрт соатлик вақтихушлик учун сотиб олганлар. Савдодаги энг чаққон мол — Феликс Царикати исмли йигит 2 минг сўмга баҳоланган ҳолда қолганларнинг баҳоси 200 сўмдан 650 сўмга тенг бўлган.

Маълум бўлишича, баъзи хонимларга турмуш ўртоғини ким ошди савдосидан излаш ёқиб тушган. — Бу ерда сотиб олаётган молингнинг сифатини кўриб турасан, — тушунтирди харидорлардан бири, — доғда қолмаслик учун бир йўла ҳаммасини сотиб олиб, сарагини-саракка, пучагини-пучакка чиқариш мумкин.

ТАЛАБАНИНГ ЭВАРАСИ МИЛЛИОНЕР БЎЛАДИ

● Саратовлик талабалардан бири ўз авлодларига миллион сўмлик жамғарма қолдиришга аҳд қилди.

Йилига 9 фоизли устама шарти билан очилган омонат дафтарчасида ҳозир бор-йўғи 5 сўм бор, холос. Талабанинг ҳисоб-китобича, XXII асрда унинг омонати миллион сўмга етар экан.

Мустақиллик · Тинчлик · Ҳамкорлик · Ўзбекистон 1992-1 сентябрь

Истиқлол одимлари: Жиззах

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК БЎЛСА

Хўп, мустақиллик қўлга киритилди. Энди нима қиламиз? Уни қандай мустаҳкамлаймиз? Мустаҳкамлаш учун бизда тагзамин борми? Мустақил бўлишимиз учун — такрорлаш бўлса-да айтай! — биз ўз валютамиз ва ўз армиямизга эга бўлмоғимиз шарт. Валюта масаласида биргина бизнинг вилоят мисолида қарасак, Маржонбулоқ олтин кони, Қўйтош вольфрам кони ишлаб турибди. Зоминнинг Уриклисой қишлоғида темир-титан конлари борлиги, унинг ҳажми Урол конларидан-да зиёд эканлигини аниқлашди. Шу бойликларнинг ўзигина биз нақадар катта ички имкониятларга эга эканлигимизни кўрсатиб турибди.

Мустақилликни мустаҳкамлаш учун бизнинг галдаги вазифамиз — ўзимизда бор хом ашёларни қайта ишлайдиган корхоналарни ҳамма жойларда очиб, ишга туширишдир. Шунда ҳам ишсизлик камаяди, ҳам бойлигимиз кўпаяди, оқибат ижтимоий муаммолар ҳал бўлиб, сиёсат борасида давлатлар орасида мавқеимиз ортади. Биз вилоятда кўплаб қўшма корхоналар очиш йўлидан боряпмиз, чет эллик ишбилармонлар билан мунтазам мулоқотлар ўтказяпмиз. Айтайлик, биргина «Равот» давлат ижара хўжалиги ҳар йили 40 тонна майин қўй жуни, 3 минг дона тери тайёрлайди. Бироқ майин жунни қайта ишлайдиган корхона нафақат вилоятимизда, балки ҳануз республикамизда ҳам йўқ. Ҳозир бу жуннинг бир килосини 200 сўмдан сотяпмиз. Агар у қайта ишланиб маҳсулотга айлантирилса олаётган фойдамиз 10—15 бараварга ошарди. Бизда бунақа имкониятлар кўп. Ачинарлиси шундаки, айрим хўжаликларнинг раҳбарлари эскича ишлашга ўрганиб қолишган. Уларга кичик корхоналарни ҳам биров бориб қуриб бериш керак. Биз бундай бошлиқларга бир неча марта айтдик: «Олма пиш — оғзимга туш», деб қараб ўтириш керак эмас. Ҳаракат пейти келди. Энди фақат пахта планини бажариб, гердайиб юриш даврлари ўтган!» Кўплари вазиятни тушунишди. Тушунмаганларига энди мажбуран тушунтиришга тўғри келади.

Яқинда АҚШда бўлиб, қандай ишлаш кераклигини ўрганиб қайтдик. Энди у ердаги гапларни айтаверсангиз афсона! Шахсан менинг тассуротим: биз иншоотларни, ерни хусусийлаштириш йўлларини тезроқ амалга оширишимиз зарур, токи ҳар бир кишида эгалик ҳисси уйғонсин. Шу ҳис уйғонмас экан, олга силжишимиз ғоят қийин кечади. Ҳамма нарсага давлат монополияси қандай оқибатларга олиб келишини социализм даврида кўрдик. Энди бизга бунақа тажрибалар иш бермайди. Уша бақувват давлатлар изидан борсак ҳам — ички имкониятларимиз эвазига жуда катта ривожланишга эришишимиз тайин.

Афсуски, кишиларда ташаббус камайиб кетди. Ишбилармонлар эса ўз қобиғига ўралиб, минг ҳийла-найранглар ишлатишга мажбур бўлмоқда. Кейин биз бундайларни «олғир», «учар» ва ҳоказо шунга ўхшаш ҳақоратомуз сўзлар билан бўлғаяпмиз. Ҳозир қатор кичик корхоналар қуриб ишга тушириляпти. Жумладан, япониялик мутахассислар билан келишиб, бизда ипакчиликнинг янги йўлига асос солинмоқда. Маҳаллий ипакчилик вакиллари билан катта ижодий бақслар оқибатида япон ипакчилигининг афзаллиги исботланди. Шунингдек, ҳаракатдаги саноат корхоналаримиз ҳам ривожланган мамлакатларнинг фирмалари билан дўстона алоқалар ўрнатдилар ва ўрнатмоқдалар. Яқинда ўн нафар жиззахлик мактаб битирувчилари Тошкент иқтисод университетида тест бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топириб, энди Туркия лицейларида ўқиш имкониятини қўлга киритдилар. Бу ўн нафар йигитча — дадил айтиш мумкин! — яқин ўн-ўн беш йилларда Жиззахнинг келажагини белгилаб берса ажаб эмас.

Хўш, мустақилликни мустаҳкамлаш учун яна нималар қиламиз?

Баъзилар: «маҳсулотимизни четга олиб чиқолмай қолдик, бу нима деган гап? Энди алоқаларни узамизми? Унда қандай ривожланамиз?» дея бизга даъво қилишмоқда.

Аввалambор, Ўзбекистон мустақил давлатга айланган экан, энди унинг ўз чегаралари бор. Энди бу ерга ким кираяпти, ким чиқяпти, қўлида нимаси бор, ҳаммаси назорат қилинади. Ахир ҳар бир инсон ўзининг тўрт таноб ҳовлисини нима биландир ўраб олади ва унинг чегарасига биров беруҳсат киролмайди. Ўзбекистон ҳам энди ана шундай катта ҳовли. Ёки биз не-не меҳнатлар, не-не пуллар эвазига келтирган озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар беруҳсат, бесўроқ ташқарига чиқиб кетаверсинми? Ахир, ҳозир топганимиз ўзимизга учмаяпти. Опкетса, опкетаверсин, бу ёғи мўл, дейдиган замонлар ҳам келади ҳали, насиб қилса. Ана ўшанда ҳотамтойлик қилсак ярашади.

Тўғри, бизда жиноятчилик ошди, ўғри, чайқовчилар кўчада хоҳлаганини қиляпти, уларни тартибга чақирадиган инсон қолмади. Ҳозирги ўтиш даврида бу нарсалар табиий, бунга ажабланмасак керак, десам мен ўзимни ҳам, бошқаларни ҳам алдаган бўламан. Биз айнан ана шу ўтиш даврида эҳтиёт бўлмоғимиз, қатъий турмоғимиз шарт. Бу йўлда мен Президентимиз И. Каримов позициясини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Демократия отбозор дегани эмас. Буни ҳам яхши тушунишларини истардим. Қолаверса, биз ўз вилоятимизда эркчиларга ҳам, бирликчиларга ҳам ҳеч қандай панд бергимиз йўқ. Аксинча, уларга Жиззах шаҳар ҳокимлиги биносидан ўзлари истаганча жой бердик, ўз қурултойларини ўтказишларига кўмаклашдик. Бу борада бирликчилар ҳам, эркчилар ҳам биздан ҳафачилик жойлари йўқ. Кучлари, имкониятлари катта бўлса, марҳамат, кўрсатишсин, биз улар билан бирга ишлашга тайёрмиз.

Мустақилликни мустаҳкамлашнинг яна бир асосий жиҳати бу —иқтисодни мустаҳкамлаш. Бизнинг пилламиз, тилламиз, маъданларимиз ва бошқа бойликларимиз кўп: улар ўз йўлига. Ҳозирги реал ҳаётда эса биз пахтага боғланиб турибмиз. Бир нави кун кечириш, қандайдир ишлар қилиш, чет элликлар билан шартномалар тузишда биз бугун фақат пахта хом ашёсига суяна оламиз. Пилла, ғалла режаларини бажардик. Бу йил нонга зор бўлмаслигимиз аниқ.

Тўғрисини айтсам, икки йилдан бери вилоятга раҳбарлик қилиб, мен пахта ҳақида гапирган эмасман, мудом пахтани етиштирувчилар, уларга яратиладиган шарт-шароитлар ҳақида гапирганман. Бугун шундай вазиятга тушиб қолдикки, энди пахтани гапиряпмиз, чунки у барча хўжаликларда икки-уч қайта экилди. Пахта мўл-кўллигини таъминламас эканмиз, биз эртанги кун ҳақида ўйлай олмаймиз. Афсуски, айрим раҳбарлар бундай ўйлашмаяпти. Уларнинг фикрича, энди муҳокама қилиб, жазо берадиган бюро, ҳайъат, ижроқўм деган нарсалар тугаб кетган. Меҳнат интизоми йўқ.

Бир кун Пахтакор районида юриб, на район ҳокимини, на бирон хўжаликнинг раҳбарини иш жойидан топа олмадим. Бирови тўйда, бирови уйда. Пахтазорларда на трактор юрипти, на сувчи. 11—12 ёшли болалар чопиқ қилишяпти. Ғўзаларнинг бир жойи ҳовуз, иккинчи жойи қовжираб кетган. Совхоз директори оёқ босмаган пайкалларни ҳам кўрдик. Кўп ғўзалар бегона ўт орасида кўринмай қолган. Буни суриштирадиган одам йўқ. Қачонгача биз «уполномочен» тайинлаб, хўжалик раҳбарларининг ҳар бир қадамини санаб ўтиришимиз керак? Қачон биз мустақил ишлашни ўрганамиз? Зафаробод район Собир Раҳимов номли давлат хўжалигида Баҳром Маллаевнинг бригадасида бўлдик. Тажрибали пахтакор, ўтмишда илғор директоо бўлган. Аммо бугунги пахтасига қарасангиз юрагингиз» ачишади.

Мен кўп марта айтганман, яна айтаман, танқид қилишдан мақсад: бировни қамаш эмас, ё уни ишдан бўшатиш эмас! Ишни юргизиш керак. Ахир бизни, халқимизни пахта боқаяпти бугун! Демак, биз ҳам пахтага худди шундай муносабатда бўлмоғимиз шарт. Ушанда мустақиллигимиз янада мустаҳкамланаверади.

Эркин ТУРСУНОВ,
Жиззах вилоят ҳокими.

Хонадонингизда бир кун сув бўлмасин, ёруғ дунё бир зумда қора кўланкага айланади. Унинг азобини, айниқса, баланд қаватли иморатларда яшайдиган кишилар кўп тортишган. Лекин Жиззах сув қурилиши трестига қарашли 1-ПМКнинг Шавкат Асқаров бошлиқ қурувчилар бригадаси ишчилари хизматидан Жиззах шаҳри аҳолиси норози эмас. Демак, улар ёмон ишлашмаяпти.

СУРАТДА: бригада аъзолари.

О. ҲАМЗАЕВ олган сурат.

•

«Кеч намози дигар Илон Утида тушуб, от ўлтуруб, этини шишлаб, кабоб қилиб, отни лаҳза тиндуруб отландик. Тонгдин бурунроқ Ҳалилия кентига келиб туштук. Ҳалилиядин Дижак келилди, ул фурсатта Дижакта Ҳовиз Муҳаммадбек дўлдойнинг ўғли Иоҳир Дўлдой эди. Семиз этлар ва майда этмаклар арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон. Андоқ усраттин мундоқ арзонлиқ ва андоқ балияттин мундоқ амонлиққа келдук».

Бобур. 1501 йил.

•

КЎНГЛИМИЗ ТЎҚ

Маржонбулоқ олтин кони очилгандан бери ишлайман. Унинг барча яхши-ёмон кунларига шерикман. 1989—91 йиллар давомида бу ерда уч сменали иш жорий этиб, иложи борича кўпроқ олтинни тезроқ ташиб чиқишга уринганларига ҳам ўзим гувоҳ бўлганман. Ўша 1989 йилдаёқ биз мустақилликка чиқиб кетишимизни англаб етишган экан, шекилли.

Биз қазиб чиқараётган олтин Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ғоят зарурлигини яхши биламиз. Шунинг учун энди янада қаттиқроқ ишлаяпмиз. Ҳолбуки, ҳозир ҳеч ким биздан уч смена ишлашни талаб қилаётгани йўқ.

Мен баландпарвоз гаплар айтаётганим йўқ. Олтинни кўп ишлаш ўзимизга ҳам керак, чунки биз ҳозир ўз-ўзимизни бошқариш ва таъминлашга ўтганмиз. Ҳар бир меҳнат дақиқамиз пул билан, киссага тушадиган даромад билан ўлчанади. Бу масала эса, айниқса, бугунги қимматчилик кунида жуда катта аҳамиятга эга. Нима бўлганда ҳам энг асосийси — биз оч қолганимиз йўқ. Кўнглимиз тўқ. Руҳимиз баланд. Ишонамизки, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Музаффар МИРЗАЕВ,
Маржонбулоқ олтин кони катта устаси.

«Швейтрикотажкомбинат» вилоят иш; лаб чиқариш бирлашмасининг 10-тикув цехида аҳолига режадагидан 2,5 — 3 минг сўмлик кўп хизмат кўрсатиляпти.

СУРАТДА: бичувчи Муҳаббат Носирова, (чапда) ва тикувчи Сайёра Абдурасуловалар.

Бекпўлат ТОҒАЕВ олган сурат.

ҚАЛОВИНИ ТОПГАНЛАР

РЕПОРТАЖ

Бу йил биз учун қулай келди, дегувчи қишлоқ жамоаси жуда кам. Йўлдош Қурбонов номли давлат хўжалиги деҳқонлари эса қайта-қайта «оҳ», дейишга мажбур бўлдилар. Асосий экин — пахтани уч мартадан дўл урди, сел ювди. Уч минг гектар пахтазорнинг қайта экилмаган бирор парчаси йўқ. Устига устак ёғин-сочин тугагач ҳарорат етарли бўлмади. Тўғри, бу офат ҳамма учун бир бўлди, бироқ Йўлдош Қурбонов давлат хўжалигида бултур ҳам дўлу сел кўпгина қирон келтирган эди. Демак қайта-қайта экишга, булут сари кўтарилиб кетган нарх-наво туғдирган чиқимларни қоплашга бошқаларнинг ҳар қалай озми-кўпми имкони қолган бўлса, бу жамоада у ҳам йўқ бўлиши керак-ку! Аҳволлари қалай экан?

Қарангки, хўжалик чегарасига ўтишимиз билан ташвишли фикрларимиз кўпиги пасая бошлади. Чунки олдин юриб ўтган хўжалигимиз ғўзаларига нисбатан И. Қурбонов хўжалиги пахтасининг авжи анча зўр, онда-сонда учраётган механизатор ҳамда сувчиларнинг чеҳраси ҳам очиқ эди.

Хўжалик бошлиғи Қаршибой Баротовни йўлга отланиб турган пайтда учратдик, лекин у киши ҳар қалай суҳбат учун оз бўлса-да вақт ажратди. Кўринишидан паҳлавон бу одамнинг фикрлари, кейинроқ билсак ишлари ҳам шунга монанд экан.

— Нолийдиган жойимиз йўқ, — деди директор вазминона. — Ғўзаларимизда ҳозирданоқ тўрт-бештадан кўсак бор. Одам қўшиб бераман, жойларга бориб ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Пиллани бир ярим баравар кўп топширдик. Ҳозир буғдой ўрими тугалланяпти, ҳосилдорлиги ўртача 28 центнерданга тўғри келмоқда. Икки юз гектарга чўтлаб кўрсангиз, ўзимиздан анчагина ортадиган донга эгалигимизга аҳлайсиз. Қолган экинларимиз ҳам яхши ҳосил беради. Чорвамиз — 535 бош, шундан юз йигирма беш боши соғин сигир — аҳволи ёмон эмас. Ем-хашак кўнгилдагидек жамғарилмоқда, ўн гектар ерда хашаки лавлагимиз етилмоқда, 53 гектар боғимизда ҳосил ғарқ пишди. Хуллас, ишларимиз юришиб турибди. Энди битта оғир вазият — ҳисобимизда пул йўқ. Бултур қанчалик оғир бўлмасин, икки миллион сўмдан зиёдроқ соф даромад олган эдик. У ҳам, келгусига мўлжалланган маблағларимиз ҳам сарфланиб кетди. Саккиз миллион сўмдан ортиқроқ қарз олишга тўғри келди. Чамамизда жами харажатларимиз 73—75 миллион сўм атрофида бўлади.

Биринчи борган жойимиз Шохдор Холмўминовнинг бўлими бўлди. Ўрта бўйли, норғил бу йигит хўжалик ташкил бўлганидан буён ишлайди. Кўринишидан содда, қўй оғзидан чўп олмайдиганларга ўхшайди. Ишга келганда эса мана ўн йилдан зиёдроқ унинг олдига тушадиганлар учрамай турибди. Ҳосилдорликда ҳам, таннархнинг пастлигида ҳам ҳаммадан зўр, ҳар қалай бошқалардан бўш келган, орқада қолиб кетган бирор йили бўлган эмас. 545 гектар пахтазори ҳам, бепоён бедазори ҳам, маккажўхориси ҳам қулф уриб турибди. Биз борган пайт Шохдор энг синалган сафдошлари — бригадир укалари Шодиёр ҳамда Абдуғаффор Мамаражабовлар билан суҳбат қуриб турганди. Мавзу, албатта дала ҳақида.

— Кўрқадиган жойимиз, — деди Шохдор Холмўминов, — бу — йиғим-терим. Шу пайтгача ҳеч кимдан ҳеч қандай ёрдам сўрамаган эдик. Бу йил ҳам шундай бўлмоғи даркор. Шундай экан қатор оралари ишловидан қайси тажрибакор механизаторни олсагу, ўрнига укасиними, жияниними ёки бошқа ишончли одамини ўтқазиб, ўзини терим машиналарини созлашга жўнатсак, дея фикрлашмоқдамиз. Албатта, ҳосил бу йил, қанча уринмайлик, ўн-ўн беш кун кечроқ пишади, бироқ техникани ипидан игнасигача ҳозирданоқ кўриб чиқиб, қулинг ўргилсин ҳолга келтирмасак бўлмайди.

Бўлимнинг умумий чўтдаги ҳисоби шундай: кутилган-кутилмаган харажатларнинг жами етти ярим миллион сўмдан ортмайди, ҳосил чўғи, мабодо уни охирги чигитигача териб олишнинг иложи бўлмаганда ҳам, ўн миллион сўм атрофида даромад беради. Бўлимда ишлайдиган юз ўн беш одамга бўлиштирганда чакки эмас.

Режамиз бу ердаги хўжаликнинг яна бир забардаст бўлими — Ўрозбой Донобоев жамоасини бориб кўриш эди. Шохдор Холмўминовнинг терим техникаси ҳақидаги фикрлари туфайли манзилни ўзгартириб таъмирлаш устахонасига йўл олдик. У жойда янгими-эскими, созминосозми бор техниканинг жуда дид билан қаторлаштирилиб, ҳамма жой супурилиб, сув сепилиб гулдек қилиб қўйилган экан.

— Бекорчи йўқ бўлса, қанча одам ишламасин, кўп кўринмайди, — жилмайди Болбек. — Бизда ҳозир эллик нафар одам механизмлар созлови билан банд. Кўпчилик эҳтиёт қисмларни ўзимиз тиклаяпмиз.

— Фаолиятимизни якунлайдиган бўлсак — давом эттирди Болбек Турсунматов, —Зарур бўлганда туриб қолган битта техникамиз йўқ, худо хоҳласа, бўлмайди ҳам. Бизда Аъзам Донабоев, Тошпўлат Солиев каби созловчилар. Саид Аширалиев, Ботир Исмоилов, Қодир Исмоилов сингари қўли гул механизаторларимиз борки, улар эплаёлмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Саксон олти ҳайдов тракторининг бари юради, саксонта терим машиналаримизнинг ҳам бирортаси мавсумда туриб қолмайди. Ўзимизнинг ходимларимиз ўттиз етти киши. Ҳар бири учун жавоб бероламан.

Ишонмай кўрингчи бу гапларга.

Тоҳир САГИТОВ,
Зарбдор райони.



Жиззах районидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигининг Қ. Исақулов бошлиқ бригада аъзолари бошқаларга нисбатан чуқурроқ англашгани учун ишлайди. «Техника мададкор бўлса бўлгани», дейишади улар. Бригада механизатори Зонр Абдусатторов айтганларидек уларга қанот бўлаяпти. Шунинг учун ғўза ривожи чакки эмас.

О. ҲАМЗАЕВ олган сурат.

«Бу йил қиш қандай келаркин?» Бу ташвиш катта кичик ҳамманинг жисмида ғимирлаб юрипти. Лекин хўжаликлардаги ғалла ўрими натижаларини кўриб беихтиёр кўнглинг таскин топади. Жумладан, Жиззах вилоятида ҳам натижа ёмон эмас. Ғалла-орол районидаги Карл Маркс номли давлат хўжалиги ижарачи бригадалари лалми ердан 12 центнердан ошириб ҳосил олишди. Бу натижа сувсиз ер учун ёмон эмас.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Мирза Омонов.

Бекпўлат ТОҒАЕВ олган сурат.

• *Лавҳа*

ОМАДЛИ ОДАМ

Дўстлик районидаги Қосим Раҳимов номли хўжаликда Ҳамза ака Суюновни илғор звено бошлиғи сифатида таништиришди. Айтишларича, Ҳамза ака қар куни тонг қоронғусида эшагига ўтириб олганча, далага жўнармиш. Биров кўриб, биров кўрмай қолармиш. Чунки, Ҳамза ака жўнаётганда кўплар ухлаб ётган бўлади-да. У шунчаки жўнамасмиш, олдида беш-олтита моли ҳам бўлармиш. Далада пахтанинг четига молини арқонлаб, эшагини тушовлаб, кейин яна бир соат ғўзаларининг у ёқ-бу ёғини текшириб чиқаётганда бошқалар уйғонаркан.

Ҳамза ака 17 йил бурун Пойариқдан кўчиб келган, 15 йилдан бери звено бошлиғи, муттасил режа ва мажбуриятларини ошириб бажариб келади.

Лекин шунга қарамай, ҳамон бири икки бўлгани йўқ, ҳамон эшак минади.

— Ҳа, энди, бизларга мошин миниш насиб қилмади, — дейди Ҳамза ака сал тортиниб.

— Шунчалар илғор экансиз, наҳотки 15 йилдан бери хўжалик раҳбарлари, «мана мошин, олинг, мининг», дейишмади.

— Ким билади, ишқилиб. Бундай гап бўлгани йўқ. Бизнинг топганимиз пешона тери. Пешона терига мошин об бўлармиди!?

Ҳамза аканинг етти нафар фарзанди бор. Каттаси армия хизматида. Қолганлари майда. Мактабга боради. Улар ҳам қараб турмайди, эртаю кеч ғўзанинг ичида. Чопиқ қилади, чопиқдан чиққан ўтларни орқалаб, эшакка юклаб, уйга ташийди. Мол-ҳол, қиш-ёз дегандай, рўзғор — тирикчилик. Бўлмаса, ўтган йил якуни бўйича Ҳамза ака болачақаси билан бирга 18 минг сўм мукофот олди. Аммо шу пул ҳам ҳавога учгандай йўқ бўлди. Бу ёғи... энди машина нархи...

Ҳамза ака ночоргина кулди. Энди машина қаёқда? Энди ана шу эшакдан айрилмасин. Бораверади, келаверади, бензин демайди, запчас демайди. Бир боғ ўтни ўнгариб, тўрт-беш молни олдига солиб, ишига қатнайверади.

— Ўн беш йилдан бери планни ошириб бажарсангиз, демак ҳар йили шунга яраша мукофот ҳам бўлган. Машина олмагансиз, унда шунча пулни қаёққа қўйдингиз?

— Пул қаёқда? Бугун топганимиз эртага етмайди...

— Нима уй қурдингизми?

— А, йўқ, давлатнинг уйида яшаяпмиз. Тўрт хонали. Тўққиз жонмиз, бизга етади. Шу уйга етолмаётганлар ҳам кўп хўжалигимизда. Сиз нима деб ўйлаяпсиз? Худога шукр, яшашимиз яхши.

— Дейлик, эртага ўғлингиз армиядан қайтади, уни уйлантириш керак. Янги оила ҳам сизлар билан тураверадими?

— Тураверади. Нима қипти? Икки-уч ўғилни уйлантириб, ҳаммаси бир коттежда яшаётганлар қанча бизда. Мен эса терак экдим, олдингги йили. Беш-олти йилда яраб қолади. Қирқамиз-да, ўғилга уй соламиз.

— Хуллас, йиққан пулингизни ишлатмас экансиз-да. Ё ўзингиз яшаб турган уйни совхоздан сотиб олмоқчимисиз?

— Давлат уни бизга бепул берди. Шу уй сеники, хоҳла яша, хоҳла сот, деган, ҳужжатлариниям қўлимизга топширган.

— Ий-е, ундай бўлса сиз жуда омадли одам экансиз! — дея мен ҳайратимни яширолмадим. — Ҳозирги ойлигингиз қанча? Болаларники-чи?

— 1200 сўм. (Суҳбат июнь ойида бўлиб ўтган). Болалар энди ишга чиқди, қанча олиши кейин маълум бўлади.

— 1200 сўмга тўққиз жонли оилани қандай боқаяпсиз?

— Э, бу кишининг гапига парво қилманг, — деди ёнимизда турган бўлим бошқарувчиси. — Унта қорамоли бор. Хўжаликда Ҳамза аканинг бой одам йўқ. Бу киши, керак бўлса, ойликни олмай ишлайвериши мумкин. Даромади ўзига етади.

Ҳамза ака уялинқираб ерга қаради.

Мен эса бўлим бошқарувчисининг гапига ишондим.

Абулқосим МУҲАММАД РАСУЛ.

• Амир Темур абадияти

ОВРУПОГА МАКТУБЛАР

Самарқанд давлат дорилфунуни олими, филология фанлари доктори Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВнинг Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги адабий ҳамда маданий алоқалар тарихига доир асарлари илмий жамоатчиликка яхши маълум. У ўзининг изланишлар қамровини кенгайтириб, энди Ўрта асрлардаги дипломатик алоқалар мавзуига ҳам қўл урди. Шу мақсадда Франция ва бошқа Ғарб мамлакатларида бўлиб, у ердаги Миллий кутубхоналарда, музейларда изланишлар олиб борди. Тадқиқотчи билан тарихимизнинг мунаввар даври — Амир Темур салтанати йилларида Ғарб мамлакатлари билан йўлга қўйилган дипломатия алоқалари хусусида суҳбатлашдик.

— Муҳаммаджон ака, Амир Темур ва Ғарб давлатлари ҳукмдорлари ўртасида олиб борилган ёзишмалар тарихи, уларнинг сабаблари ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз...

— Амир Темурнинг XIV аср сўнгида султон Йилдирим Боязид қўшини устидан ғалабаси Ғарб давлатлари ҳукмдорларининг буюк Темур салтанатига ва шахсиятига бўлган ҳурматини янада ошириб юборди. Соҳибқироннинг Оврупо ҳукмдорлари билан кейинги ёзишмалари, хорижий мамлакатлар элчиларининг Моваройуннаҳр салтанатида қабул қилиниши, ҳатто Самарқандда уларнинг муқим фаолият кўрсатганликлари бунга далилдир.

Соҳибқирон Амир Темур билан Оврупо ҳукмдорлари ўртасидаги ёзишмаларга келсак, бу номаларнинг айримлари ҳозир ҳам Париж ва Лондон кутубхоналарида сақлаб келинмоқда. Масалан, Амир Темурнинг Фарангистон қироли Карл VI де Валуа (1368-1422) билан ёзишмалари тарихи ва сақланиб қолинган номаларни шарқшунос Сильвестр де Саси Париждаги Миллий кутубхона (аввалги Қироллик кутубхонаси) фондидан топишга муваффақ бўлади. Номалар матнини ва ёзилиши тарихини изчил ўрганган олим ўзининг 1822 йилда нашр эттирган «Амир Темур ва қирол Людовик VI ўртасидаги ёзишмалари тарихи хусусида» номли тадқиқотида батафсил фикр юритган. Париждаги Миллий кутубхонада соҳибқирон Амир Темурнинг Фарангистон қироли Карл VI га йўллаган икки номаси ва Карл VI нинг Темурга юборган ягона мактубининг кўчирилган нусхаси сақланиб қолган экан.

Профессор Сильвестр де Саси томонидан қайта кўчирилган Амир Темур номасининг матнини таниқли олим, профессор Ботирхон Валихўжаев бизга қуйидагича таржима қилиб берди.

«Улуғ Амир Темур Кўрагон умрлари зиёда бўлғай.

Малик Ре де Франса («Фарангистон қироли» маъносида) бу дўстингизнинг юз минг саломи ва истакларини бир жаҳон орзулари билан бирга қабул қилгайсиз.

Амири Кабир ҳазратларига мустажоб бўлғувчи дуоларни етказишдан сўнг маълум бўлғайким, таълим бергувчи Кафар («монах» маъносида) Франкас (Франциск) бу томонга етиб келиб, ҳазратнинг мактубларини ҳам олиб келди ва ул Амири Кабирнинг олийжанобликлари, азамат ва улуғворликларини баён этдики, бундан ниҳоятда хурсанд бўлдик. Шунинг билан бирга у Сизнинг душманларимиз устига кўп сонли лашкар билан отланганингизни ҳам сўзлади. Оллоҳ таолонинг кўмаги бирла улар забун (мағлуб) бўлғайлар.

Бундан сўнг навқирон ходим — подшоликнинг мор хасеси (архиепископ Иоанн) хизматингизга юборилади. У Сизнинг ҳузурингизда воқеаларни сўзлаб бергусидир.

Энди ул Амири Кабирдан илтимосимиз ва умидимиз шулки, бизга муборак мактубларини ҳамиша йўллаб турсалар, токи улар бизни Амири Кабирнинг саломатликларидан хабардор қилиб, бу соҳада хотиримизни жам қилғайлар. Яна, ҳазратлари ўз тожирларини биз томон юборсалар ва биз уларнинг ҳурмат-эътиборини бажо келтирсак, уларнинг ҳурмат-иззатлари сақланса, уларга ҳеч ким зўрлик кўрсатмаса, зиён етказмаса. Чунки дунё тожирлар билан ободдир. Рисолат (элчилик)ни ҳам ўрнатурмиз.

Давлат узоқ йиллар комронликда бўлсин.

Ҳижрий 805 йил мукаррам муҳаррам ойининг аввалида (милодий 1402 йил 1 август) ёзилди».

Номанинг мазмунидан кўриниб турибдики, Фарангистон қироли Карл VI номидан элчи бўлиб соҳибқирон Темур ҳузурига келган архиепископ Иоанн ўзи билан унинг номасини ҳам келтиргани аниқ. Афсус, Карл VI номасининг кўчирилган нусхаси Парижнинг Миллий кутубхонасидан топилмади.

Иккинчи мактубнинг фақат лотинча таржима нусхаси Миллий кутубхонада сақланиб қолган. Дарвоқе, бу нома икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси Амир Темур номидан, иккинчиси унинг ўғли Мироншоҳ номидан битилган.

Соҳибқирон номасининг лотинча тексти «Бизнинг Темур Кўрагон сўзимиз...» жумласи билан бошланиб, сўнгра Фарангистон қироли Карл VI ва унинг фуқароларига салом ва тилаклар билдирилади. Номанинг мазмунида Амир Темур ўзининг султон Боязид қўшини устидан қилган ғалабасини маълум қиларкан, бу билан икки иқлим — икки буюк давлат душманини мағлуб этганини ва осойишталик ўрнатганини билдиради. Жаҳонгир бу номасидан ҳам икки давлат орасида савдо-сотиқни йўлга қўйиш, тожирлар ва элчилар алмашиш хусусидаги ниятларини таъкидлайди. Ҳозирча, ўртадаги муносабатлар ва ишончли хабарларни икки томонга етказиб туришда архиепископ Иоанни вакил деб билишни яна бир карра қайд этади. Бу номага ҳам биринчи номадаги сана, яъни ҳижрий ҳисобида 805 йил муҳаррам ойининг биринчи куни (102 йилнинг 1 августи) қўйилган.

— Сиз юқорида Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳнинг ҳам номини тилга олдингиз. Демак, Ғарб давлатлари билан алоқалар соҳибқироннинг вафотидан кейин ҳам давом этган экан-да.

— Мироншоҳ Мирзо номидан битилган номанинг мазмуни ҳам соҳибқирон Амир Темур номаси мазмунига яқин. У ҳам «Мироншоҳ Кўрагон сўзимиз» ибораси билан бошланади. Кейинги сатрларда Фарангистон қироли Карл VI ва унинг фуқароларига саломлар йўлланади, тинчлик ва осойишталик билдирилади. Мироншоҳ ҳам Амир Темур каби Султония архиепископи Иоанни Фарангистон билан ўз давлати ўртасидаги қараши ва қонунларининг турли-туманлигидан қатъий назар хоҳиш билдириб, иттифоқ ва ошно тутинсалар, улар қўли остидаги аҳли фуқаронинг ҳам тинч-осойишталиги таъминланган бўлур эди. Шу боисдан, Сиз шавкатли ва музаффар ҳукмдорнинг архиепископ Иоанн жанобларя орқали юборган номангизни оларканмиз, бизга йўллаган саломингиз ва яхши тилакларингизни ўқиб ҳамда Сиз жаноб олийларининг душманимиз султон Боязид қўшини устидан қучган зафарингизни эшитиб беҳад шод бўлдик... Алқисса, ўзингиз истак билдирганингиздек, бундан буён ҳам бизга ва бизнинг фуқароларга нисбатан мурувватли бўлғайсиз. Сизнинг марҳаматингиз билан бизнинг фуқаро ва савдогарларимиз ул томонларга борсинлар, сизнинг тожирларингиз бизнинг ерларга ташриф буюрсинлар. Сиз ва биз уларга қулай шароитлар яратиб берайлик, хавфсизлигини таъминлайлик. Бу ишда бизнинг вафо қилажагимизни ва ваъдамизнинг барқарорлигини ўртадаги элчимиз архиепископ Иоаннинг ўз оғзидан эшитгайсиз.**

Ва ниҳоят, Сиз олий ҳукмдорнинг ўз қўл остингиздаги ўлкаларда яшаётган христиан мазҳабига мансуб фуқароларга нисбатан мурувватли бўлаётганингизни ҳам эшитдик ва бунинг учун Сизга ўз миннатдорчилигимизни баён этгумиздир. Биз ҳам Сиз ҳазратларининг фуқароларига, насиб этгудек бўлса, бундан ҳам зиёда мулозамат кўрсатишга ҳаракат қилурмиз.

Нома милодий минг тўрт юз учинчи йилнинг 15 июнида Париж шаҳрида битилди».

Оврупонинг кейинги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 1403 йилнинг май ойида Испания қироллиги ҳам Рюи Гонзалес де Клавихо бошчилигидаги ўз элчиларини Темур салтанатининг пойтахти Самарқандга юборди.

М. МУҚИМОВ суҳбатлашди.

ҲАҚ СЎЗЛАР

Давлатга етиб, меҳнат аҳлин унутма,
Бу беш кун учун ўзингни усру тутма!
А. НАВОИЙ.

Амал тахтига чиққан аввало элга назар этсин,
Керилмаклик, хушомад, порахўрликдан ҳазар этсин!
Элу юртга садоқат бирла хизмат айлаганларга
Салому эҳтиромнин ҳамиша минг-ҳазор этсин!
Емак, ичмак, «фалон...» қилмоқ йўлига асло пой қўймай
Ҳалол, покиза умрин сатҳини кенг лолазор этсин!
Халос айлаб жамиятни қаро ҳулқли ёмонлардан
Дилу тилни сўз ичра тотлию кўнглиёзор этсин!
Унутсин мутлақо беклик ва хонлик арши аълосин,
Унутмасларни олло ўнгарилмас қўшмозор этсин!
Фақат халқ бирла бирга ҳамнафаслилик даври даврондур,
Кимки йўлдан озса давр чархи хору зор этсин!

Насрулло ДАВРОН.

ҲОДИСА

ГЎДАК ҚУТҚАРИЛДИ

Олотдаги 5-ҳунар-техника билим юрти устаси Холмурод Жўраев пишқириб оқаётган каналда чўкаётган болани кўриб қолдию, кийимкечаги билан ўзини сувга ташлади...

У бир чўкиб, бир сув юзига қалқиб чиқаётган гўдакни амаллаб қирғоққа олиб чиқди. Сунъий нафас олдирилган болада ҳаёт аломатлари пайдо бўлди. Холмурод вақтни бой бермай, болани район марказий касалхонасига олиб борди. Шукурбек Абдиевнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ҳозир Шукурбек ота-онаси бағрида ўйнаб-кулиб юрибди. Унинг халоскори бу хонадоннинг энг яқин кишиси бўлиб қолди.

И. САФАРОВ, (ЎзА мухбири).
Бухоро вилояти.

ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

«ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ» киностудияси таниқли давлат арбоби Оллоёр Дўстназаров хотирасига бағишлаб, «Элим деган эр эди» номли янги ҳужжатли фильм яратди.

Қораўзак райони хўжаликлари буюртмаси билан яратилган бу асар Оллоёр Дўстназаровнинг қорақалпоқларни халқ сифатида дунёга танитиш йўлидаги фидойи хизматлари ҳақида ҳикоя қилади. Репрессия қурбонлари, сотқинлик, қамоқ азоблари, ҳужжатли далиллар асосида кўрсатилган лавҳалар томошабинни лоқайд қолдирмайди.

САХОВАТПЕШАЛАР

НОМИ ислом дунёсида яхши маълум бўлган Султон Увайс бобо мақбараси ва Беруний шаҳридаги «Шоҳ Аббос» қабристони масжиди қурилишига ёрдам бериш мақсадида яқинда Беруний районида хайр-саховат йиллиги эълон қилинган эди. Кўпгина корхона ва ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар ёрдам бермоқдалар. Масалан, 1-қурилиш трести, Беруний механизациялашган кўчма колоннаси, Беруний номли давлат хўжаликларининг ҳар бири юз минг сўмдан, шунингдек райондаги ёғ-мой ва пахта тозалаш заводлари, бройлер фабрикаси жамоалари эса эллик минг сўмдан пул ўтказишга қарор қилдилар.

Айниқса, уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳиммати таҳсинга лойиқдир. Камолиддин Соипов, Ҳайитбой Эшимбетов, Файзулла Сафарбоевлар Хивада ишланган, баҳоси 4 минг сўмлик 4 та эшикни масжид учун совға қилдилар. Нуриддин Саидов эса ўз ҳисобидан нархи 6 минг турадиган дарвоза қурдириб беришга ваъда қилди.

М. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ШАРОБЛАР СИНАЛДИ

ИЛГАРИ жумҳуриятимиздаги вино заводларининг мутахассислари яратилган янги маҳсулот турларини Тошкентга «Узплодоовошвинпром» концернига жўнатар ва ўша ерда синовдан ўтарди. Бу гал аньана бузилди. Яқинда синов комиссияси аъзолари Шаҳрисабз вино-арақ заводига ташриф буюришди.

Комиссия эътиборига корхонада тайёрланган йигирмадан зиёд янги вино турлари ҳавола этилди. Синов комиссияси ишлаб чиқариш учун бир неча навдаги виноларга рухсат берди. Бундан ташқари заводда яратилган «Шаҳрисабз» бальзамини комиссия юқори баҳолади.

П. ГАДОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭСЛАШГА ҲАҚЛИМИЗ

Гарчи уруш йилларидаги яраларни турли хил ёдгорликлару ҳиёбонлар билан битказиб бўлмаса-да, у йиллар ўтиб фарзандларимиз хотирасида сақланажаги муқаррардир. Баъзан киши кўнглидан: «Мустақилликка эртароқ эришганимизда, эҳтимол, ота-бобо ҳамда акаукаларимиз Улуғ Ватан урушн ёки Афғон, деб бунчалик кўп қурбон бўлишмасмиди», деган ўй ўтади.

Нима бўлса ҳам ўтган кун ўтаётганлар учун тарихдир. Шунинг учун уни яхшими ёмонми эслашга ҳақлимиз.

Андижон вилоятининг Булоқбоши районида бу соҳада ибратли ишлар қилинган. 436 рақамли танкни Улуғ Ватан уруши йиллари «Иттифоқ» жамоа хўжалиги аъзолари ўз маблағлари эвазига сотиб олишган эди. У Курск остонасигача жанг қилди. Афғон урушидан ҳам райондан 20 га яқин киши қайтмади. Уларни эсламаслик эса оғир гуноҳ.

СУРАТДА: хотира лавҳалари.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

АЖРАЛИШ

(ҲАЖВИЯ)

— Ажрашамиз, бизга мустақиллик керак!

Улар ўрнидан сакраб туриб, у ёқдан бу ёққа югуришди. Яна тўпланишди, куйиб-пишиб, бир-бирларига нималарнидир уқтиришди. Белкуракдек қўлларини силкитиб рақибларига дўқ уришадими-е. Ўтиришади. Тағин бир-бирларига наабат бермай сўзлай кетишади. Яна ўтиришади. Бошлар чангалланган.

— Ажрашамиз, мустақиллик! Жумҳуриятни ажратамиз.

Одамлар чор атрофга югуришди. Кимдир тайёрага, кимдир поездга, кимдир автобусга ўтирди. Қаергадир шошди.

Оғизлар тинимсиз очилиб, юмилади. Лаблар бир-бирига тегмайди. Қадаҳлар кўтарилади. Бошлар бир жойга тўпланиб гумбаз ҳосил қилади...

— Ажралишамиз, бизга мустақиллик!

Ниҳоят орзулар ушалди. Жумҳурият ажралди!

Энди иш ўз йўлига тушиб кетиши керак эди. Ҳамма жипслашиб, бир ёқадан бош чиқариши, мустақилликни мустаҳкамлаши шарт эди. Бироқ яна пис-пис, миш-миш...

Ногоҳ шамол турди. Дарахт япроқлари тағин қимирлаб, шохлари силкинади. Яна тўполон. Сўзсиз ҳаракатлар, югур-югурлар... Одамлар қаёққадир шошади. Қанақадир қоғозларни бошлари узра кўтариб, пишқиришади. Нимадир тўплашади. Нимадир тақсимлашади. Оғизлар бир-бирларининг қулоқларига қадалган. Пис-пис... миш-миш...

— Ажрашамиз, мустақиллик! Вилоятларини ажратишди...

— Энди басдир?!

— Йўқ!

— Биз ажралишга ўрганиб қолдик. Тез-тез ажрашмасак туролмаймиз. Энди нимани ажратсак экан-а?! Яна бошлар ҳаракатга келади.

— Районни ажратамиз!

Мисоли спорт мусобақаларида қатнашаётгандек серҳаракат одамлар. Ҳақиқат билан иғвонинг ораси бир қадамлигини унутиб, бу чегарани бузган, ҳақиқатчи никоби остидаги иғвогарликлар, ёзишмалар, митинглар, микрофонлар. Пис-пис, миш-миш... Бақириқ-чақириқлар.

— Район ажралди!

— Ура!

Нафас ростлаш пайти. Ҳамманинг оғзи қулоғида. Бир-бирларини қучоқлаб, табриклашган.

Яна ўша шиор.

— Ажрашамиз!

— Нимани ажратамиз?

— Колхозни-да.

Яна қизғин, мажлислар, Минбарга чиқувчилар, лекторлар. Мана, колхоз учга ажради!

— Энди-чи?

— Ажрашамиз!

— Нимани!

— Бригадани, 130 гектар ери бор. Илгари бир колхоз эди бу. — Бригада ҳам ажралди.

Узоқ жим-житлик.

Одамлар бир-бирларига жаланглаб қарашади. Қулоқларига нимадир деб шивирлашади. Пис-пис... Миш-миш... Қаҳ-қаҳ отиб кулишади. Қўлларини бир-бирига ишқалашади.

Ажралишнинг ашаддий ташкилотчи, ишқибозларидан бири Маҳкамнинг боши қотган. У нон ёпаётган хотиннинг ёнига келади.

— Ажрашамиз, уйимизни бошқа қиламиз. Мен мустақил яшашни истайман. Нонинг учдан бирини менинг уйимга олиб кириб қўй. Аксинча, митинг қиламан. Ёзаман.

Хотин елка қисди.

— Вой, дадаси, митинг қиламан, ёзаман деганингиз нимаси? Зоримиз бор, зўримиз йўқ. Кўнглингиз нимани тусаса, шуни қилинг, Фақат бизни тинч қўйсангиз бас, оч қорним — тинч қулоғим. Уйингизни ажратмоқчи экансиз, бош устига!

Эр-хотин ажралишди. Алоҳида-алоҳида хоналарда мустақил яшай бошлашди. Ҳар ким ўзига хон, кўланкаси майдон. Эр осмонга қараб ётиб ўйларди. Энди нимани ажратсам экан... Ўзимни иккига бўлсам, ўламан. Бошдаги соч толаларини тенг иккига бўлсам-чи. Уни санаб чиқиш керак. Бордию тоқ чиқсачи? У роса ўйларди.

— Нимани ажратсам экан. Тирноқни этдан ажратиб бўлмаса.

У ўйининг охирига етолмади.

Мана, бир ҳафтаки, Маҳкам ҳовлига чиқмайди. Хотиннинг миясига ҳунук фикр келди. Аста эшикни қиялатиб, мўралади. Эр осмонга қараганча донг қотганди. Хотин оёқ учида ичкари кирди. Эр аранг чап кўзини очди.

— Бормисан, бетобман. Чойпой дамлаб берай ҳам демайсан. Бир қултум сувга зор бўлиб кетдим. Чой бер.

— Ахир ажрашганмиз, мустақилсиз. Ўзингиз дамлаб ичавермайсизми?

— Бунақада ўлиб кетаманку, хотин. Оқибат шуми?

— Менга нима...

Тўхташ АШУРОВ.

• Санъат оламида

ДИЛОРОМНИНГ ДИЛ НАВОЛАРИ

Бу ёруғ дунё яралгандан буён не-не замонлар ўтгани, қандай авлодлар яшагани, ҳаёт қай тарзда бўлганлиги ёлғизгина яратганнинг ўзига аён. Одамзод қанчадан бери ўз қалбини ҳис қилгани, қувонч ва изтиробларини изҳор эта бошлаганию туйғуларини қўшиққа солиб куйлагани ҳам...

«Муножот»ни тинглаганимизда қалбимиз мозийга томон йўл солади. Эронлик хонанда Гугуш, афғон ҳофизи Аҳмад Зоир, франциялик Мирей Матье ёки машҳур «Битлз»ни эшитган киши ўз қалбидаги нолаларига ҳамоҳангликни ҳис қилиши муқаррардир. Чунки... қўшиқ, ахир, бир мўъжизаку! Худди ана шу мўъжизани яратувчилар — бастакорлардир. Ҳозирги кунда ўзбек қўшиқчилигида янги-янги номлар, юлдузлар пайдо бўлмоқда. Кўча-кўйда, радио ва ойнаи жаҳонда турли қўшиқлар янграмоқда. Аммо қалбларимизни ўртаб юборадиганлари ўнча кўп эмас.

Хонанда Муҳаббат Ғофурова ижро этган «Ёмғир ёғди» қўшиғи тезда тингловчилар қалбидан жой олди.

Ёмғир ёғди майда-майдалаб,
Майда-майда бўлди юрагим...

Шоир Усмон Азим қаламига мансуб бўлмиш ушбу мисраларни иқтидорли ёш композитор Дилором Омонуллаева куйга солган экан. Композиторнинг номи мусиқий давраларда анча танилган. У Тошкентда педагог мусиқачилар оиласида воя га етди. 5 ёшдан Успенский номидаги мусиқа мактабида фортепьяно бўлимида таълим ола бошлади. Ижодни ҳам анча эрта — 12 ёшидан. Тошкент Давлат консерваториясини битиргач, академик жанрларда бир қанча асарлар ёзган. 1985 йилдан буён ойнаи жаҳонда намойиш қилиб келинаётган «Гуллар қўшиғи» мультфильмига ёзилган мусиқа Дилором Омонуллаева ижодининг яна бир қиррасини очди. Хор, симфоник асарлари, фортепьяно учун концертлари ҳам мутахассис ва мухлисларнинг юқори баҳолари мусиқий бўёқларда гавдаланади. Шу сабабли оҳанг кўнгилларга қуйилиб, сингиб, кетади. Саксофоннинг нолаларида шаҳар манзараси, айниқса, ёмғирлардан зеркан шаҳар қиёфаси ўта кучли маҳорат билан чизиб берилган.

Ўзбек эстрадаси қўшиқчилигида драматизм ҳамда лирика уйғунлашиб кетган қўшиқлар кўп эмас. Чунки бундай асарларни ёзадиган муаллиф ҳаёт манзараларини талқин қила оладиган, бадиий адабиёт ва санъатдан баҳраманд бўлган, том маънода зиёли инсон қалбига эга бўлиши керак. Негаки, бу ерда кишиларнинг энг нозик ҳис-туйғулари куйланади, тасвирланади. Дилором Омонуллаевани бир сўз билан таърифлаш мумкин. У — гўзал ўзбек аёлидир. Қатъиятлиги ва меҳнатсеварлиги шундоқ кўриниб турибди. Замонавий мусиқа чолғуларини чалиш, ёзув ва ускуналаридан фойдаланиш ва ижрочилар билан ишлаш осон иш эмаслиги аён.

Машҳур композитор Раймонд Паулснинг ижодини Дилором опа жуда ҳурмат қилади. Патриция Каас, Гугуш каби хонандаларнинг овозини, ижро усулларини ёқтиради. Албатта, булар биздан анча йироқ мамлакатларда яшаб ижод қиладилар. Уларнинг ижодий шароитлари ҳам бошқача. Бизда қўшиқ бадиий кенгашда қабул қилингач, унга бир марта қалам ҳақи тўланади. Кейин ундан эфирда хоҳлаганча фойдаланиш мумкин...

Қўшиқ янграмоқда. Шу биттагина қўшиқ унинг муаллифи ким эканини айтиб турибди. Р. Парфи, Ш. Раҳмон, Х. Даврон ва М. Солиҳ каби ўзбек шеъриятининг навқирон вакиллари ижодини зукколик билан кузатиб бораётган Дилором Омонуллаева Усмон Азим шеърлари асосида туркум қўшиқлар ёзди. «Ёмғир ёғди» қўшиғи радионинг олтин фондидан жой олган. Лекин ижродан муаллифнинг кўнгли тўлгани йўқ. Нодира Зиёхонова ижросида «Сендан айрилиб» деб номланган қўшиқ ҳам тез орада тингловчилар эътиборига ҳавола этилади. Кумуш Раззоқова композиторнинг бир қатор янги қўшиқларини ўрганмоқда.

Дилором Омонуллаева ўз туйғуларини мусиқа орқали ифода этиш ишқи билан яшайди. Ҳали кўплаб янги қўшиқлар сиз билан бизнинг кўнгилларимизни обод қилиш учун ҳаво мавжларида қанот қоқажаклар.

Иброҳим ЖИЯНОВ.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

• ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Карим БАҲРИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.30. № Г—298 тираж 25376. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12